

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқукида

УДК 378:15

Йўлдошев Жаҳонгир Ўринбоевич

**“ХОДИМНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК САЛОМАТЛИГИ
ВА УНИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИГА ТАЪСИРИ”**

**5А 111001 – “Касб таълими назарияси ва методикаси (иқтисодиёт)
мутахассислиги бўйича**

**магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: п.ф.н., доцент Н.Х.Лутфуллаева

Тошкент – 2021


Ушбу диссертация ишида саломатлик тушунчасининг ташкил ходимларида шакллантириш ижтимоий психологик зарурият эканлиги, "Health care" тафаккурини шакллантириш технологияси тушунчаси, моҳияти вазифалари ҳамда ташкилот ходимларида "health care" тафаккурини шакллантиришнинг мавжуд муаммолари хақида сўз кетади. Қолаверса, инсофаровонлиги ва ривожланиш индекси, унинг ижтимоий саломатлигини асрашдаги ўрни, ходимлар "health care" тафаккурининг мазмуни: шахсига оид "health care" талаблари ва ходимларнинг ижтимоий муҳит билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган "health care" хусусиятлари изоҳ этилган. Шунингдек диссертация ишида саломатликни асрашга йўналтирилган технологиянинг самарадорлик даражаси ифодаланган.

In the following dissertation is mentioned about the fact that the concept of health is a social psychological necessity of formation in the employees of the organization, the concept, essence and functions of the technology of formation of the thinking "Health care", as well as the existing problems of formation of the thinking "health care" in the employees of the organization. In addition, the index of human well-being and development, its role in the preservation of social health, the content of the personnel "health care" mentality: the requirements of the individual "health care" and the features of "health care", arising in connection with the social environment of employees, are explained. Also in the case of dissertation, the level of effectiveness of technology aimed at preserving health is expressed

Магистрлик диссертация иши "Инновацион таълим" кафедрасида
дастлабки ҳимоядан ўтган 143 сонли баённома «14
06» 2021 й.

Илмий раҳбар:
ф.и.ш.

Н.Х. Мухомедова




ИМЗО

сана

Магистр:
ф.и.ш.

М.У. Ифтихоров



ИМЗО

сана

“Ҳимояга рухсат этилади”

«Инновацион таълим» кафедраси мудири М.Ф.Хакимова



2021 йил «14» 06,

Ҳимоя Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 2021 йил «25»

июн

соат «14⁰⁰» да бўлади

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
ТАШКИЛОТ ХОДИМЛАРИДА САЛОМАТЛИКНИ АСРАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	10
Саломатлик тушунчасининг ташкилот ходимларида шакллантириш ижтимоий психологик зарурият эканлиги.....	10
“Health care” тафаккурини шакллантириш технологияси тушунчаси, моҳияти ва вазифалари	19
Ташкилот ходимларида “health care” тафаккурини шакллантиришнинг мавжуд муаммолари.....	29
I боб бўйича хулосалар.....	51
ТАШКИЛОТ ХОДИМЛАРИДА САЛОМАТЛИКНИ АСРАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ХУЛҚ-АТВОРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИ.....	53
Инсон фаровонлиги ва ривожланиш индекси, унинг ижтимоий саломатлигини асрашдаги ўрни.....	53
Ходимлар “health care” тафаккурининг мазмуни: шахсига оид “health care” талаблари.....	60
Ходимларнинг ижтимоий муҳит билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган “health care” хусусиятлари.....	66
II боб бўйича хулосалар.....	71
МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ ХОДИМЛАРИДА САЛОМАТЛИКНИ АСРАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯНИНГ САМАРАДОРЛИК ДАРАЖАСИ	73
“Health care” технологиясини ишлаб чиқишда саломатлик педагогикасининг тамойилларига амал қилиниши.....	73
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ходимларининг ижтимоий психологик саломатлиги ва унинг тажриба синов натижалари	80
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ходимларининг саломатликни асрашга йўналтирилган тафаккурини ривожлантириш масалалари.....	85
III боб бўйича хулосалар.....	88
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	90
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	95
ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Сўнгги вақтларда саломатлик, саломатликни асраш ва муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзи, соғлом тафаккур каби тушунчаларни тарихий, ижтимоий, фалсафий, психологик, ахлокий-эстетик категория сифатида англаш жараёни кузатилмоқда. Чунки саломатликни муҳофаза қилиш жараёни серқирра тушунча бўлиб, унинг таркибий қисмлари ва талаблари жуда кенг ва кўп қирралидир. Ўзбекистондаги мавжуд тадқиқотларда “саломатлик”, “турмуш тарзи”, “соғлом турмуш тарзи”, “соғлом маданият”, “гигиеник тарбия”, “саломатлик кадриятлари”, “саломатликни муҳофаза қилиш”, “саломатлик тамойиллари”, “соғлом тафаккур” кабиларнинг ижтимоий, тиббий ва педагогик моҳиятини ёритишга саъйҳаракат қилган бир қатор ёндашувлар мавжуд. Жаҳонда таълим ва тарбия тизимидаги инновацион ўзгаришлар замирида ҳам инсоннинг саломатлигини асрашга йўналтирилган саломатлик педагогикаси (“health care”) жадал ривожланмоқда. Аҳолининг жисмоний ва рухий саломатлиги ва тетиклиги давлатнинг цивилизация даражасини белгилаб, миллатнинг барқарор ривожланиш кўрсаткичини намоён этади. Бу ўринда инсоннинг ўзида саломатликни асрашга йўналтирилган тафаккур ва эҳтиёжни шакллантириш муҳим аҳамият касб этиб, жамиятдаги соғлиқни сақлаш инфраструктураларида педагогик самарадорликни таъминлашга хизмат қилувчи тадқиқотлар кўламининг ошиши кузатилмоқда. Дунё таълим тизимида ўсиб келаётган авлод саломатлиги ҳар қандай халқнинг миллий кадрияти сифатида эъзозланиб, ушбу масалага муҳим ижтимоий-педагогик вазифа сифатида ёндашилмоқда ҳамда давлат истикболи, миллат генофонди, мамлакат тараққиётидаги иқтисодий, интеллектуал, антропоген потенциал, унинг демографик таъминоти, жамият тараққиётини белгиловчи масалаларга оид илмий тадқиқот ишларини олиб боришга зарурат ошаётганлиги намоён бўлмоқда. Бу эса, ёшларни соғломлаштиришга йўналтирилган конструктив-профилактик технологиялар, тизимлашган ва интеграциялашган моделларни